

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.F.01.05 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОБИДОВ АСЛИДДИН ШАВКАТОВИЧ

**КОНФЕССИЯЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ –
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК:130.12:297.1:323.1(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Обидов Аслиддин Шавкатович

Конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш – фуқаролик жамиятини
ривожлантириш омили3

Обидов Аслиддин Шавкатович

Обеспечение межконфессионального согласия фактор развития
гражданского общества.....23

Obidov Asliddin Shavkatovich

Ensuring interreligious harmony is a factor in the development of civil
society.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.F.01.05 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОБИДОВ АСЛИДДИН ШАВКАТОВИЧ

**КОНФЕССИЯЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ –
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal100 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Кушаев Умиджон Рахимович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» август соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5 - қават, 511 хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (76 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Эргашов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Г.М.Рузматова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Д.Нишонова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг фуқаролик жамияти институтларида ижтимоий муносабатларнинг инновацион технологияларга асосланган янги типи шаклланимоқда, диний конфессиялар барқарор тараққиётни таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Диннинг маърифий ғояларини тарғиб қилишда конфессиялар фаолияти, мақсад ва вазифаларига давр руҳи нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Зеро, учинчи минг йилликда дунёвийлик ва динийликнинг мутаносиблиги инсон маънавий қиёфаси, жамиятнинг ижтимоий руҳида келажакка ишончли шакллантирувчи омил сифатида амал қилмоқда. Шу боис, фуқаролик жамиятини шакллантиришда диний конфессиялар ҳамкорлигини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида диний конфессияларaro ҳамжиҳатлик фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили эканлигини асослаш, унинг ижтимоий-фалсафий, социологик, психологик ва сиёсий жиҳатларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Европа давлатларида фуқаролик жамиятида диний бағрикенглик тамойилларининг вужудга келиши, шахсларaro ҳамжиҳатлик ва инсонийликни таъминлаш, низо ва можароларни ўзарo келишув асосида ҳал этишга доир тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланишида динларaro мулоқот ва бағрикенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари, исломдаги бағрикенглик ғоялари тадқиқ этилмоқда. Бу диний конфессияларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзарo манфаатли ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда диний ташкилотлар фуқаролик жамияти институтларининг таркибий қисми сифатида мустақил ривожланиши учун барча шароитлар яратилган, диний конфессияларнинг ҳамкорлиги ва одамларнинг эътиқод эркинлигини таъминлашнинг турли оқимлар таъсиридан сақланиши бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда, дин фуқаролик жамиятида миллатларaro толерантлик омили сифатида амал қилмоқда. Шу боис, «Жамиятда миллатларaro тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш»¹ жараёнини изчил давом эттириш, диний-маърифий фаолият ва конфессияларaro ҳамжиҳатликни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий-маданий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Миллатларaro муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сон, 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/>

тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон, 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сон, 2021 йил 4 мартдаги «2021 - 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-6181-сон фармонлари, 2018 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3080-сон, 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сон қарорлари ва ушбу мавзуга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда конфессиялараро ҳамжиҳатликка тарихий тараққиётнинг муҳим омили сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Абу Райхон Бериунининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида халқларнинг диний дунёқараши, маданий ҳаёти, урф-одатлари сайёҳлик тарихи мисолида очиб берилган. Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолиси»² асарида фуқаролик жамиятининг ривожланиш босқичлари ва ислом динининг инсонпарварлик жиҳатлари очиб берилган. Ғаззолий фикрича, «Ҳокимият ва дин ўзаро алоқадор. Дин бу асос ва илдиздир, ҳукмдор эса ана шу илдизлар йўқолмаслиги учун қўриқлаб турадиган посбондир, нимаики қўриқланмаса, ўлади»³, демак, дин инсонларни тартибга солиш механизми сифатида амал қилади. Низомулмулк «Сиёсатнома»⁴ асарида давлат ҳокимиятида фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган.

Европа мутафаккири Аврелий Августин «Илоҳий шаҳар ҳақида» асарида христиан динида ҳамжиҳатликнинг талқинини очиб берган. Ж.Локк, Д.Юм, Т.Гобс, Вольтер, Ж.Руссо, И.Кант, Ф.Гегель асарларида диний ҳамжиҳатликнинг моҳияти мафкуравий плюрализм нуқтаи назаридан асосланган. Шунингдек, жаҳоннинг йирик илмий марказларида, жумладан, Америка сиёсий ва ижтимоий фанлар академияси, Швеция халқаро тараққиёт ҳамкорлик агентлиги, Лондон иқтисодий ва сиёсий фанлар мактаби, Германиянинг Фридрих Эберт номли Фуқаролик жамияти жамғармаси, Берлин фуқаролик жамияти маркази, Тинчлик институти, Бағрикенглик тафаккурини ривожлантириш ва экстремизмнинг олдини олиш халқаро маркази, М.В.Ломоносов номидаги МДУ, Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги

² Форобий Абу Наср. Фозил шаҳар аҳолиси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.

³ Ғаззолий. Эҳъёл улум вад-дин. –Тошкент: Маънавият, 2018.

⁴ Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент: Маънавият, 2013.

Халқаро ислом фикҳи академияси (Саудия Арабистони), ал-Азҳар университетининг Ислом тадқиқотлар академияси ва бошқа марказларда фуқаролик жамиятида диний конфессиялар ҳамжихатлигига эришиш барқарор тараққиёт омили эканлигини асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

МДХ олимлари, хусусан, россиялик Н.А.Бердяев, М.Мчедлов, М.А.Батунский, Е.Е.Бурова, М.К.Бектенова, Р.Г.Абуталипова, Н.Ж.Байтенова, В.Н.Давыдова, В.С.Глаголова, Н.Сейсенлар фуқаролик жамиятида диний ҳамжихатликнинг аҳамияти, инсонлар дунёқарашида эътиқод эркинлиги маданиятини шакллантиришнинг заруратини очиқ беришган. Н.А.Бердяевнинг фикрича, «Бағрикенглик одоб-ахлоқ хушмуомалалик маъносида эмас, балки шахснинг ўзини-ўзи англашининг шарти, фуқаролик жамиятида шахслараро алоқаларни ташкил этиш воситасидир»⁵. М.Мчедловнинг фикрича, «диний бағрикенглик ҳар бир жамият, ҳар қандай ижтимоий қатлам, ҳар бир фуқаронинг жинси, ёши, этник, диний ёки ирқий мансублигидан қатъи назар, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий маданиятни ташкил қилади»⁶. М.А.Батунский Россияда ислом динининг ўрни ва аҳамиятини, Е.Иванкина Малайзияда этноконфессиялар ривожланиши тарихи, М.Топчиев «Полимаданий минтақаларда конфессиялараро муносабатларни бошқаришда давлат сиёсати»⁷ мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шу билан бирга, экстремизмнинг олдини олишда ижтимоий, диний, сиёсий-маданий омиллар, мусулмон ҳуқуқи нуқтаи назаридан аксиологик илмий тадқиқотлар ҳам алоҳида йўналишни ташкил этади. Қозоғистонлик социолог З.К.Шаукенова дин социологияси, Н.Балпанова, З.Исмагамбетова, А.Карабаева Қозоғистонда конфессиялараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Э.Тойлибекова Қозоғистон Республикасида конфессиялараро муносабатларни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁸.

Ўзбекистон файласуф олимларидан А.Ачилдиев дунёнинг мафкуравий манзарасида динлараро толерантликнинг ўрни⁹, С.Отамуротов фуқаролик жамиятида миллатни асраш масъулияти¹⁰, И.Саифназаров оилада диний эътиқод бирлигининг фарзанд тарбиясидаги роли¹¹, Б.Каримов ўрта турк халқларининг ягона тили – диний бағрикенглик асоси¹², Б.Алиев фуқаролик жамияти давлат ва жамият бошқарувининг энг мақбул усули эканлигини, Х.Одилқориев фуқаролик жамиятининг таркибий тузилмалари, Ш.Ёвқочов¹³ дин ва сиёсатнинг ўзаро мутаносиблигини асослаган. Ў.Ҳасанбоев

⁵ Бердяев Н.А. «Судьба России»: Эксмо. –Москва, 2007. –С. 32.

⁶ Толерантность / Общ. ред. М. П. Мчедлова. –Москва: Республика, 2004. –116 с.

⁷ Баева Л.В. Толерантность: идея, образы, персоналии [Текст]: монография / Л.В.Баева. – Астрахань: Издательский дом «Астраханский университет», 2009. – С. 15.

⁸ Тойлибекова Э.О. Возникновение и развитие межконфессиональных отношений в Казахстане [Текст] / Э.О.Тойлибекова // Успеха современной наук и образования. -2016. - №10 (6). – С. 153.

⁹ Ачилдиев А. Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Автореф. дисс. фалс.фан.докт. –Тошкент, 2004.

¹⁰ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллатни асраш масъулияти. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

¹¹ Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – ватан таянчи. –Тошкент: Таълим, 2018.

¹² Каримов Б. Ўрта турк тили. –Тошкент, 1992.

¹³ Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма. Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент, 1993.

Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатларининг диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишларини, Ш.Ғоибназаров, А.Бегматов, А.Бобоевлар фуқаролик жамияти барқарор ривожланишида конфессиялараро ҳамжиҳатлик, миллатлараро бағрикенгликни таъминлашнинг аҳамиятини очиб беришган.

Тадқиқот жараёнида диний конфессиялар фаолиятининг моҳиятини ёритишга оид адабиётлар таҳлилида динлараро ҳамжиҳатлик ғоялари мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилганлиги, уларнинг ижтимоий аҳамияти очиб берилганлиги аниқланган, бироқ конфессиялараро бағрикенгликнинг зарурати ва аҳамияти илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги боис, ушбу тадқиқотда динлараро бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фалсафий-тарихий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий ва бадиий қадриятларини таҳлил қилиш ва фуқаролик фаолиятини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади конфессиялараро ҳамжиҳатликнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистондаги диний ташкилотлар фаолияти тарихи ва ижтимоий фалсафий аҳамиятининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрнини очиб бериш;

ҳалқаро диний ташкилотлар фаолиятини қиёсий таҳлил этиш ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришдаги ролини асослаш;

конфессиялараро ҳамжиҳатлик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш омили эканлигини асослаш;

диний маърифат имон бутунлиги ва қалб поклигини таъминлаш воситаси эканлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти - конфессиялараро ҳамжиҳатлик.

Тадқиқотнинг предмети - конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, тизимлилик, тарихийлик тамойиллари, анализ, умумлаштириш, қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диннинг дезинтеграцион функцияси диний ихтилофлар, тоқатсизликлар, диний таъқиблар, диний конфликтлар каби ижтимоий оқибатларда намоён бўлиши ҳамда уларни бартараф этиш, конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, фуқаролик жамияти куриш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини

амалда таъминлашнинг муҳим шартини эълон қилишга эришилган;

миссионерлик, айрим диний эътиқодларни устун қўйишга уринишнинг диний конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашда вужудга келадиган салбий таъсири, диний эътиқодда намоён бўладиган трансформация ҳолати ва этник, ирқий, сиёсий оқибатлари очиб берилган;

конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашда конфессияларнинг диний эътиқод ва дунёвийликнинг уйғунлигига эришиш, динлараро ҳамжиҳатлик кўринишларининг тарихий шаклланиш босқичлари, уни тушунишда айрим зиддиятли ҳолатлар ва уни бартараф этишнинг жамият маънавий ҳаётидаги социал-психологик ва объектив шарт-шароитлари ҳамда инсоннинг дунёқараши, ёши, қизиқишлари, ҳаётнинг маъноси ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ омиллари асосланган;

Ўзбекистонда диннинг маърифий жиҳатлари орқали диний бағрикенглик анъаналарини барқарор давом эттиришга дифференциал ёндашув, асрий анъаналарга эга бўлган бағрикенглик муҳитини ривожлантириш, юксак илм-маърифат анъаналари бугунги кунда конфессиялараро соғлом мулоқотни барқарорлаштириши, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини таъминлашга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамиятини шакллантиришда конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг изчил амалга оширилиши бўйича ягона концепция ишлаб чиқиш зарурати, конфессионал ташкилотлар ва давлат ўртасидаги шериклик алоқаларини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий асослари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашда «хилма-хилликдаги бирлик» илмий тамойили, ўзаро конструктив мулоқот маданиятини ривожлантиришда «доимий эътибор», «фаол хайрихоҳлик» каби бағрикенглик мезонлари асослаб берилган;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, мамлакатлар тажрибаси асосида конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг маънавий-маърифий йўллари очиб бериш ва фаолият йўналишига қаратилган стратегик ҳаракат дастури ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалардан фалсафа, диншунослик, сиёсатшунослик бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва

амалий тавсиялар, Ўзбекистон шароитида конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлигини асословчи назарий ва эмпирик далиллардан маънавий ва маърифат соҳасини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлигига оид таклиф тавсиялар асосида:

диннинг дезинтеграцион функцияси диний ихтилофлар, тоқатсизликлар, диний таъкиблар, диний конфликтлар каби ижтимоий оқибатларда намоён бўлиши ҳамда уларни бартараф этиш, конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, фуқаролик жамияти қуриш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлашнинг муҳим шарти эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон мусулмонлар идораси иш фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг 2019 йил 8 августдаги 2168-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан амалиётда фойдаланилиши жума хутбаларидаги маърузаларни конфессиялараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик ғоялари билан бойитилишига хизмат қилган;

миссионерлик, айрим диний эътиқодларни устун қўйишга уринишнинг диний конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашда вужудга келадиган салбий таъсири, диний эътиқодда намоён бўладиган трансформация ҳолати ва этник, ирқий, сиёсий оқибатларга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси иш фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 10 майдаги 14-07-950-сон маълумотномаси). Натижалар қўмита фаолиятида миллатлараро муносабатларда ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланиши ҳамда фуқароларда диний бағрикенглик дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қилган;

конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашда конфессияларнинг диний эътиқод ва дунёвийликнинг уйғунлигига эришиш, динлараро ҳамжиҳатлик кўринишларининг тарихий шаклланиш босқичлари, уни тушунишда айрим зиддиятли ҳолатлар ва уни бартараф этишнинг жамият маънавий ҳаётидаги социал-психологик ва объектив шарт-шароитлари ҳамда инсоннинг дунёқараши, ёши, қизиқишлари, ҳаётнинг маъноси ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ омилларига доир таклиф ва тавсиялардан конфессиялар фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган (Тошкент рим-католик черковининг 2019 йил 10 октябрдаги 3128-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши фуқароларда диний экстремизм, терроризмнинг диний манбалардаги ғояларга зидлиги, улар «қарамлик ва индивидуал ёки жамоавий ўз-ўзини йўқ қилиш шакллари» эканлиги, авлиё Папа Френсис ва Имом Аҳмад ал-Тайеб ўртасида имзоланган «Инсоний биродарлик ва тинчлик йўлида биргаликда яшаш ҳақида декларация»нинг мазмун-моҳиятига оид билимлар шаклланишига хизмат қилган;

Ўзбекистонда диннинг маърифий жиҳатлари орқали диний бағрикенглик анъаналарини барқарор давом эттиришга дифференциал ёндашув, асрий анъаналарга эга бўлган бағрикенглик муҳитини ривожлантириш, юксак илм-маърифат анъаналари бугунги кунда конфессиялараро соғлом мулоқотни барқарорлаштириши, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини таъминлашга хизмат қилишига оид таклиф ва тавсиялардан «Диншунослик» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5564-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши «Диншунослик» ўқув қўлланмасини фуқаролик жамиятини ривожлантиришда конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик ғоялари билан бойитилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (4 таси республика ва 3 таси хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, тадқиқотнинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг **«Фуқаролик жамиятида диннинг ижтимоий-маданий муносабатлар барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида ҳамжиҳатликнинг мазмуни, мустақиллик йилларида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида амал қилаётгани, диний конфессиялар фаолиятида ҳамкорликка эришиш, динлараро толерантлик муҳитини шакллантириш тизим фаолиятининг таркибий қисми эканлиги очиб берилган.

Диссертант томонидан бугунги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур тадқиқотда «диний конфессиялар» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий мазмундаги таърифлари берилган, давлат конфессия муносабатларининг самарали тизимини яратиш муаммолари кўрсатиб ўтилган. Муаллиф фуқаролик жамиятининг ажралмас

қисми бўлган давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги самарали мулоқотни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида диний ташкилотларнинг ижтимоий институт сифатидаги ўрни ва роли юқори ҳисобланади. Шу муносабат билан диссертант бугунги кунда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган сиёсатини фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва шаклланиши, шунингдек, унинг таркибидаги диний ташкилотларнинг ўрнини аниқлаш борасидаги фикр-мулоҳазалари орқали очиб беришга ҳаракат қилган.

Фуқаролик жамияти – шахс ва давлат ўртасида оралиқ ўринни эгаллайдиган жамоатчиликнинг фаолият доираси, фуқаро ва давлат ўртасидаги коммуникатив жараён. Фуқаролик жамияти кишилар уюшмасининг давлат билан биргаликда юксак даражадаги ҳуқуқий муносабатларни яратадиган, етарлича юқори ижтимоий, маданий, ахлоқий иқтисодий мақомга эга бўлган жамиятдир. Ривожланган фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳозирги даврда дунёда битта диний жамоат таркибида мавжуд бўлган ягона диний эътиқодга интилиш намоён бўлмоқда. Булардан асосийлари христианлик, ислом ва буддизм ҳисобланади. Буни аксарият жамиятшунос олимлар эътироф этадилар. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири конфессионал бўлиниши билан алоҳида ажралиб туриши давлат конфессия муносабатлари тизими қанчалик даражада малакали ва профессионал тарзда шаклланганлиги, бу жараён фуқаролик жамияти ва қонун устуворлиги тамойилларига асосланиши диссертант томонидан асослаб берилган.

Тадқиқотчи 1995 йилда қабул қилинган толерантлик декларациясидаги «Дунёмизнинг бой ранг-баранг маданиятини, ўзликни намоён этиш шакллари ва инсон индивидуаллигини намоёйиш этиш усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади» (1.1-банд, 1-модда) деган ғояга таяниб, «бағрикенглик» тушунчаси моҳиятини таҳлил этган, унинг энг қуйи даражаси тоқатлилик эканлигини асослаган, муқаддас китоблар – Инжил ва Қуръони карим оятлари маъносини таҳлил этган. Муаллиф фикрича, муқаддас китобларда жамиятда тинчлик ва барқарорликка ҳамжиҳатлик билан эришиш мумкинлиги ёритилган. Диссертант, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Бир соатлик тафаккур бир кечани ибодат билан ухламай ўтказишдан хайрлироқ» деган фикри, Фузайлнинг «Фикр сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатиб турадиган ойнадир» ғояси моҳиятини ҳозирги даврда аҳолининг фикрлаш қобилиятини намоён этиш учун яратилаётган шароитлар мисолида асослаган. Тадқиқотчи фикрича, дунёвий толерантликнинг қадриятли мўлжаллари фикрлар хилма-хиллигига таянади, бу, ҳар қандай ҳақиқат нисбийлигини тан олишга олиб келади. Диний бағрикенглик бегона дин вакиллари эътиқодини тан олишни тақозо этади, диний тоқатсизликнинг оқибати бегоналикни намоён қилувчи хулқ-атвордир. Айни пайтда, эксклюзивизм (диндорларнинг ўзи эътиқод қиладиган диннинг ягона ҳақ дин эканлиги ва айни кўринишдаги бошқа эътиқод шакллари инкор қилиш тўғрисидаги тасаввурлари)ни диний

тоқатсизлик билан айнанлаштирмаслик мақсадга мувофиқ. Диссертацияда диннинг дезинтеграцион функциясининг диний ихтилофлар, тоқатсизликлар, диний таъқиблар, диний конфликтлар каби ижтимоий оқибатларда намоён бўлиши асосланган. Масалан, Фаластиннинг туб аҳолиси бўлган ханонийларнинг исроилликлар томонидан, илк христианларнинг дастлаб исроилликлар, кейинчалик, қадимги римликлар томонидан, протестантларнинг католиклар, католикларнинг эса протестантлар томонидан, мусулмонларнинг христианлар, христианларнинг эса мусулмонлар томонидан, анабаптистларнинг лютерчилар томонидан, суфийларнинг расмий ортодоксал ислом уламолари томонидан, Англияда квакерларнинг пуританлар томонидан, Японияда буддавийлик вакилларининг синтоийлик томонидан таъқиб этилиши, яқин тарихда эса баҳавийларнинг Эрондан қувилиши, Суданда насронийларнинг таъқиб остига олиниши, Афғонистон ва Сурияда рўй берган можаролар сингари ҳодисалар шулар жумласидан. Муаллиф фикрича, диний ўзаро ҳамжиҳатлик ва тоқатлилик тарихда нисбатан кам учрайдиган ноёб ҳодиса, асрлар давомида диний тоқатсизлик этник, ирқий, сиёсий зиддиятларга шароит яратган.

Тадқиқотчи социолог Эрнст Трельчнинг «Барча динлар мутлақлик хусусияти билан вужудга келади, негаки, улар эзгу иррационал мақсадга мувофиқ бўлиб, эътиқод талаб қилинган ҳақиқатни ифодалайди, нафақат ҳақиқатни, балки унинг қадриятларини ҳам тан олади»¹⁴, деган фикрининг аҳамиятини асослаган. Зеро, диний низо ва ихтилофлар бир диний ҳамжамият томонидан бошқа диний ҳамжамиятнинг инкор этилишига олиб келади. Муаллиф фикрича, миллатларнинг диний идентификацияси ҳам сиёсий низоларга сабаб бўлган. Масалан, Қадимги Исроилда бегона дин Исроилнинг яхлитлиги ва аҳолисининг диний идентиклигини таъминлашга нисбатан хавф ҳисобланган, бу эса, бошқа динларга нисбатан диний тоқатсизликни шакллантирган. Қадимги Юнонистонда худосизликни тарғиб қилиш жиноят ҳисобланган, чунки худони инкор қилган кишининг ҳукмдорни ҳам инкор қилиш эҳтимоли бўлган, бу эса давлатга қарши исён сифатида баҳоланган. Шунинг учун ҳам Қадимги Юнонистонда худосизлар таъқиб остига олиниб, судда жинойий жавобгарликка тортилган. Шу боис, янги даврда бошқа динга нисбатан толерантлик ижтимоий-маданий эҳтиёжга айланган. 1618-1648 йилларда Европада диний тоқатсизлик натижасида давом этган 30 йиллик уруш динлараро бағрикенгликка эришишнинг зарурлиги ҳақидаги Вестфал шартномаси имзоланиши билан яқунланган, шу даврдан бошлаб динлараро «бағрикенглик» тушунчаси ижтимоий муомалада пайдо бўлган. Диссертант фикрича, XVII асрда Англия тарихидаги О.Кромвел даври ижтимоий-маданий муносабатларда толерантлик тамойилининг ўрнатилишига сабаб бўлган. Умуман олганда, бағрикенглик Англияда ҳам, Америкада ҳам идеал тамойил сифатида эмас, балки ижтимоий-сиёсий зарурат туфайли шаклланган.

Диссертацияда Вольтернинг «Фалсафий мактублар» ва «Бардошлилик тўғрисида рисола»сидаги классик бағрикенглик назариясининг ҳозирги

¹⁴ Вуд Дж.Э. Право человека на свободу религии в исторической и международной перспективе // Диа-Логос. Религия и общество. –Москва, 1997. -С. 13.

даврдаги аҳамияти Ж.Локкнинг «Бардошлилик тажрибаси» ва «Бардошлилик тўғрисидаги хат» асарларидаги ҳар бир инсон фикр ва дин эркинлигига эгаллигига оид қарашлари билан қиёсий таҳлил этилган. Вольтер фикрича, бағрикенгликнинг меъёри бардошдир. Ж.Локкнинг фикрича, бағрикенглик икки ёқлама характерга эга, бир томондан, бу турли динларга мансуб одамлар ўртасидаги муносабатларда қўлланилиши лозим бўлган қадрият бўлса, бошқа томондан, бағрикенглик фикр ва виждон эркинлигини ҳимоя қиладиган қонуннинг таркибий қисми бўлган ижтимоий шартноманинг натижасидир¹⁵. Голландиялик файласуф Б.Спиноза ўзининг «Теологик-сиёсат рисоласи»да эркин давлатда ҳар бир фуқаро ўзи хоҳлаганича фикрлаши ва нимани ўйласа шуни айтиши мумкинлигига бағрикенглик деб баҳо берса, маданий бағрикенглик ғояси биринчи марта француз маърифатчиси Ж.Ж.Руссо асарларида намоён бўлади. У теократияни, диний ақидапарастликни кескин танқид қилган, диний масалаларда фуқаролик бағрикенглиги муҳим эканлигини таъкидлаган. И.Кант барчанинг тенглиги ва эркинлигини ҳурмат қилишга даъват этган, рус файласуфи Б.С.Соловьев «сабр» ва «бағрикенглик» тушунчаларини фарқлаган. Сабр, унинг фикрича, руҳий азоб бўлиб, у баъзида саҳийлик, баъзида эса руҳий жасорат сифатида намоён бўлади. XX асрда структуравий антропология асосчиси Клод Леви-Стросс фикрича, «Бардошлилик – мулоҳаза юритиш эмас, балки динамик муносабат, у бўлишни хоҳлаган нарсани олдиндан билиш, тушуниш ва тарғиб қилиш»¹⁶да намоён бўлади. Немис файласуфи ва социологи Юрген Хабермас ҳам ўз асарларида бағрикенгликни узлуксиз коммуникатив ўзаро таъсир натижаси, деб таърифлаган. Унинг фикрича, «Диний бағрикенглик нафақат тарихий асосларга эга, у бошқа эътиқодли одамларга нисбатан ҳолис муносабатдан диссидентларга нисбатан бағрикенг муносабат даражасига кўтарилган»¹⁷. Диссертацияда бағрикенгликнинг натуралистик, психоаналитик, коммуникатив, ахлоқий ва ижтимоий аҳамияти таснифланган ва асосланган. Муаллиф фикрича, бағрикенгликнинг шакллари экзистенциал ёндашув билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ, зеро у инсоннинг ижтимоий бегоналашуви ва қалбидаги жаҳолатни бартараф этади. Демак, бағрикенглик ҳаёт қийинчиликлариغا жавоб топишга интилаётган одамнинг эркин фикрлаши ва фаолияти маҳсулидир, уларнинг танқислиги қалб мувозанати бузилишига олиб келади.

Диссертацияда Ўзбекистонда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг асосий омиллари XX асрнинг 90 йилларигача бўлган давр, мустақилликнинг биринчи ўн йили ва ундан кейинги даврлар мисолида асосланган. Муаллиф фикрича, агар биринчи даврда диний бағрикенглик томон қадам қўйилган бўлса, иккинчи даврда динга эътиқод қилиш қонун билан белгиланган, учинчи даврда, нафақат эътиқод, балки диний маърифатга эҳтиёж ошган. Шу боис, масжидлар билан бир қаторда диний таълим муассасаларининг фаолиятини

¹⁵ Баева Л.В. Толерантность: идея, образы, персоналии. монография / Л.В.Баева. – Астрахань: Издательский дом «Астраханский университет», 2009. –11 с.

¹⁶ Леви-Стросс К. Раса и история // Леви-Стросс К. Путь масок / Пер. с. фр. – Москва, 2000. –С. 353-356.

¹⁷ Хабермас Ю. Когда мы должны быть толерантными? О конкуренции видений мира, ценностей и теорий // Социс. 2006. №1. –С. 45-53.

такомиллаштириш тизимли ташкил этилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида¹⁸ курашишда диний маърифатлилик унинг экстремизм йўналишидаги ривожига акс таъсир этади. Зеро, диний бағрикенглик очик мулоқотни ташкил этиш имконини беради.

Тадқиқотда диний бағрикенгликнинг миллатлараро муносабатларга таъсири очиб берилган. Муаллиф фикрича, дин ва диний кадрятлар этносиёсий жараёнга қарши чиқмайди, балки ривожланишини таъминлашга ўз восита ва усуллари билан ёрдам беради. Этносиёсий парадигманинг стратегик мақсади жамият барча аъзолари, шу жумладан, динга эътиқод қилувчилар, конфессиялар, диний ташкилот аъзоларига ҳам дахлдор.

Муаллиф баъзи мусулмон мамлакатларидаги диний таълим тарихини ўрганган, улар айримларида ҳукумат раҳбарларининг халқ оммасини бирлаштириш учун ислом ақидаларидан фойдаланганлигини асослаган. «Ислоний тенглик» шиорлари, шариат қонунлари ёрдамида адолатни таъминлашга, шунингдек, «ягона ҳалифалик»ни ўрнатиш йўли билан умумхалқ фаровонлигига эришишга даъватлар мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароит оқибатида чорасизлик ва депрессияга тушиб қолган халқ оммасининг кенг қатламлари учун жозибадор бўлиб кўринган¹⁹.

Муаллиф фикрича, 2019 йил 4 февраль куни БААнинг Абу Даби шаҳрида авлиё Папа Френсис ва Имом Аҳмад ал-Таеб ўртасида «Инсоний биродарлик ва тинчлик йўлида биргаликда яшаш ҳақида»ги декларациянинг имзоланиши тарихий аҳамиятга эга. Зеро, унда дунё динлари ўртасидаги конструктивизм намоён бўлади, яъни инсоний биродарлик номи билан барча одамларни бирлаштириш ва тенглаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, динлараро тотувлик, умуман, инсоният ҳаёти муаммосига оид барча муҳим жиҳатлар қамраб олинган.

Хуллас, Ўзбекистонда диний маърифатни янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик анъаналарини барқарор давом эттиришга дифференциал ёндашув асрий анъаналарга эга бўлган бағрикенглик муҳитини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Юксак илму маърифат анъаналари бугунги кунда конфессиялараро соғлом мулоқотни барқарорлаштириш, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини таъминлашга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда фуқаролик жамиятида дин шахслараро ҳамжиҳатлик ва инсонийликни таъминловчи восита эканлиги очиб берилган. Муаллиф фикрича, диний эътиқод шахслараро, ижтимоий гуруҳлар, конфессиялараро, катта ва ёш авлодлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ташкил этишда

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон.

¹⁹ Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжумани (2002 йил 5-6 июнь) иштирокчиси Зоҳидулло Мунавваров (Тошкент, Ўзбекистон) «Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши» маърузасидан иқтибос. Мунавваров З.И., В. Шнайдер-Детерс масъул мух. – Тошкент, 2003. -147 б.

муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи фикрича, ҳар қандай дин ўзининг фалсафий асосига эга, у ҳар қандай сиёсий ва ижтимоий шароитда ўзгармас бўлиб қолади, диний бағрикенглик асосини шахснинг ижтимоий маънавий қиёфаси ва жамиятда амал қилаётган сиёсий тузумнинг мақсадлари ташкил этади. Давлат бошқаруви даражасида диний эътиқод эркинлиги учун яратилган шароитлар одамларнинг унга муносабатини белгилайди, бошқарувдаги бағрикенглик мамлакатда диний фанатизмнинг шаклланиши, баъзи ҳолларда, сиёсий тузум ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин. Эрондаги инқилоб бунга мисол бўла олади. Шу боис, диний маърифат ҳар қандай давлатда давлат ва шахс орасида низонинг олдини олиш механизми сифатида амал қилади. Шу нуқтаи назардан, шахсларо муносабатларни шакллантириш учун махсус ижтимоий ва психологик дастурни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига мослашиш, шу билан бирга, ҳар бир инсон, миллат ўзлигини сақлаб қолишида мустаҳкам эътиқод эркинлиги бўлиши, айти пайтда, бошқаларнинг эътиқоди ва нуқтаи назарини ҳурмат қилиши муҳим аҳамият касб этади. Турли эътиқодлар ва нуқтаи назарлар қадрланмас экан, бирини кучсизлантириш ҳисобига иккинчиси кучаяди, ҳаётнинг моҳияти ўзгаради, жамият бошқарувида зиддиятлар бошланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Конфессиялараро ҳамжиҳатлик – Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили» деб номланган, унда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг асосий жиҳатлари очиқ берилган.

Замонавий фуқаролик жамиятининг асосий хусусияти унинг таркибий қисмларининг нодавлат табиати, давлат ва ҳукуматдан мустақил жамоат бирлашмалари самарали фаолият олиб боришини англатади. Фуқаролик жамиятининг яна бир ўзига хос хусусияти жамият томонидан ўзини-ўзи ташкил этиш ва ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори даражасига эришишдир. Фуқаролик жамиятида ташаббус фақатгина давлат томонидан эмас, балки жамият томонидан амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти шахсни турли даражадаги ташқи таъсирлардан ҳимоя қилувчи воситачи вазифасини ҳам бажаради. Мустақил оммавий ахборот воситалари ва кўп партиявийлик тизими фуқаролик жамиятини ривожлантирувчи муҳим омил ҳисобланади. Фуқаролик жамияти – кишиларнинг иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий, диний, миллий ва бошқа муносабатлари маҳсули. Фуқароларнинг ўзаро муносабатларида қонунлар билан тўғридан-тўғри аралашувдан ва ўз фаолиятини давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзбошимчалик билан тартибга солишдан ҳимояланган эркин фуқаролар ва ихтиёрий равишда тузилган бирлашмалар ва ташкилотларнинг ўз-ўзини намоён қилишидир. Фуқаролик жамияти ҳаётда инсоннинг кўплаб хусусиятларини ўзида ифода этадиган мураккаб ижтимоий феномен ҳисобланади. Агар инсон нафақат ўзи учун, балки бошқалар учун ҳам яшаш имкониятига эга бўлса, демак у бошқаларга беминнат ғамхўрлик қиладиган масъулиятли фуқаро ва жамият аъзосига айланади. Фуқаролик жамияти институти ўзида кишиларни севги,

рахм-шафқат, бир-бирига ёрдам бериш, тавба қилиш ва гуноҳларидан хабардор бўлиш каби юксак тушунчаларни бирлаштиради. Шунинг учун, агар кимдир идеал фуқаролик жамияти нима эканлигини билмоқчи бўлса, у жамият ҳаёти билан яқиндан танишиши керак бўлади.

Муаллиф фикрича, ҳозирги даврда диний бағрикенглик, дўстлик ва ҳамкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили 30 июль – «Халқаро дўстлик куни» деб эълон қилинган, дин вакиллари орасида «Дўстлик ҳафталиги»ни ва «Дўстлик» халқаро форум-фестивалини ўтказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистонда «Жаҳолатга қарши – маърифат» эзгу ғояси асосида дунёвий ва миллий динларнинг тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишига эришиш мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч, хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартини ҳисобланади. Конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувлик муҳитини яхшилаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик анъаналарини давом эттирмоқда.

Диссертацияда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг асосий жиҳатлари очиқ берилган. Муаллиф фикрича, тарихий тараққиёт жараёнида конфессиялараро бирдамлик жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизми сифатида амал қилган. Масалан, баъзи Европа давлатларида дин давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишда иштирок этади. Ўзбекистонда диний конфессиялар фаолият юритиши қонун билан белгиланган, ҳар бир конфессиянинг фаолияти давлат томонидан ҳимояланган, лекин улар давлат бошқаруви тизимида қарорлар қабул қилишда иштирок этмайди, бироқ одамларда имон бутлиги, виждон софлигига риоя қилиш, шукроналик туйғусини шакллантиришда фаол иштирок этади.

Жаҳон тарихида «Амир Темур ва темурийлар ренессанси» деган даврда яратилган илм-фан, маданият ва меъморлик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш кераклиги»²⁰ мустаҳкамлаб қўйилган. Конфессиялараро бағрикенглик қардош халқлар ва элатлар маданиятига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, меҳмондўстлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Ўзбекистонда 16 та диний конфессия, 2277 та исломий, 183 та ноисломий диний ташкилотлар фаолият олиб бормоқда ва уларни ягона мақсад бирлаштирмоқда, динлараро бағрикенглик ғояси миллий маънавий ривожланишнинг муҳим тамойили, узвий таркибий қисми сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда мазкур конфессиялар ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бироқ, моҳиятига кўра, эзгулик ғояларига йўғрилган динларни сохталаштиришга уринувчи турли йўналишдаги зарарли оқимлар диний

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон.

эркинликдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга интилмоқда. Буларнинг баъзилари муқаддас ислом дини номидан иш юритиб, унга доғ тушираётган экстремистик, террористик оқим ва ташкилотлар бўлса, бошқалари христиан динини ниқоб қилиб олган секталар ва уларнинг «миссионерлари»дир. Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний мурасасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, толерантлик дунёқарашини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жамиятда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда конфессиялараро ҳамжиҳатлик – ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим омили эканлиги асосланган. Муаллиф фикрича, тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайти, зеро «Биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир»²¹. Дарҳақиқат, XXI асрда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ижтимоий тараққиётда янги сифат босқичига кўтарилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир давлат ва субмаданиятда миллий ўзликни сақлашнинг янги механизмларини яратишни тақозо қилади, ёшлар қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш орқали ечимини топади.

